

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЎСАНОВ РАВШАН ХАЛИЛОВИЧ**

**БАЗАЛТ ВА ВЕРМИКУЛИТ МИНЕРАЛ ХОМ АШЁЛАРИ АСОСИДА  
ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ТЎЛДИРИЛГАН ОРГАНО-НООРГАНИК  
МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)**

**Дўсанов Равшан Халилович**

Базальт ва вермикулит минерал хом ашёлари асосида юқори даражада тўлдирилган органик-ноорганик материаллар олиш технологиясини яратиш.....3

**Дўсанов Равшан Халилович**

Разработка технологии получения высоконаполненных органик-неорганических материалов на основе минерального сырья базальта и вермикулита.....21

**Dusanov Ravshan**

Development of technologies for the production of highly organic and inorganic materials based on mineral resources of basalt and vermiculite.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....43

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЎСАНОВ РАВШАН ХАЛИЛОВИЧ**

**БАЗАЛТ ВА ВЕРМИКУЛИТ МИНЕРАЛ ХОМ АШЁЛАРИ АСОСИДА  
ЮҚОРИ ДАРАЖАДА ТЎЛДИРИЛГАН ОРГАНО-НООРГАНИК  
МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2020**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т1279 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (termizdu@umail.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тураев Хайит Худайназарович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қурамбаев Шерзод Раимбергенович**  
техника фанлари доктори

**Алимов Умарбек Қодирбергенович**  
техника фанлари доктори

**Етақчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_»\_\_\_\_\_ 2020 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 уй.Тел.: (+99861) 223-60-47, факс: (+99861) 223-60-78, e-mail:karsuinfo@edu.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй.Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail:termizdu@umail.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М.Реймов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., проф.,

**Р.К.Қурбаниязов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доц.

**Ш. Н. Туремуратов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, к.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги вақтда жаҳонда органично-неорганик композит материалларнинг ўзига-хос хусусиятлари: физик-механик, термик, паст ҳароратга ва ультрабинафша нурлар таъсирига чидамлилиги туфайли уларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Сўнгги вақтларда органично-неорганик композит материалларнинг янги синфи кенг тарқалди, унда алоҳида компонентларнинг ўлчамлари нано даражада бўлади. Нанодисперсли тўлдирувчи моддалар - қатламли силикатлар, жумладан, базальт ва вермикулит асосида органично-неорганик композицион материаллар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда минерал тўлдирувчилар асосида органично-неорганик композицион материаллар олиш бўйича қуйидаги масалаларни илмий асосда ҳал қилиш: қатламли силикатлар асосида органично-неорганик композицион материаллар олишда уларни турли хил модификациялаш усуллари ишлаб чиқиш; дисперс ва толали заррачалар билан полимерларни модификациялашда модификаторларни танлаш; органично-неорганик композицион материалларнинг физик ва механик хоссаларини яхшилаш учун адгезия промоторларини қўллаш орқали полимерлар билан минерал дисперс тўлдирувчилар юзасидаги адгезияни кучайтириш; кучайтирилган эксплуатацион ва юқори ёнғинга чидамlilik хоссаларига эга бўлган органично-неорганик композицион материалларни яратиш зарур.

Республикамиз кимё саноатини модернизация қилиш натижасида, ишлаб чиқариш корхоналарида маҳаллий хом ашёлар асосида импорт ўрнини босадиган янги турдаги органично-неорганик композицион материаллар ишлаб чиқариш борасида илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Бу борада, жумладан, композицион материалларнинг термик, механик ва оловга чидамlilik каби хусусиятларини кучайтириш мақсадида минерал тўлдирувчилар базальт ва вермикулит асосида органично-неорганик композит материаллар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3246-сонли «Кимё саноати ташкилотларининг экспорт-импорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2018 йил 17 январдаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4947 ”2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси ” бўйича қарори

ПҚ-3479-сонли «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислох қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «VII. Кимёвий технология ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Полимерлар асосида янги полимер композицион материаллар яратиш борасида дунё бўйича қуйидаги олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, чет эл олимлари: Y.Kojima, J.W. Gilman, R.A.Vaia, H.S. Nalva, Ch.A. Wilkie, A.B. Morgan, M.L. Bras, S. Bourbigot, Y. Mingshu ва F. Wang, A.A. Берлин, Г.Е. Заиков томонидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида: С.Ш. Рашидова, А.Т. Жалилов, Н.Р. Ашуров, С.С. Негматов, Х.Х.Тўраев, А.А.Қурбонов, Э.Р.Тураев, П.Ж.Тожиев ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Улар томонидан минерал қатламли силикатларни модификациялаш ва улар асосида орғано-ноорғаник композицион материаллар олиш технологияси яратилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, янги турдаги маҳаллий минерал хомашёлар асосида орғано-ноорғаник композицион материаллар яратиш қуйидаги масалаларни ўз ичига қамраб олади:

минерал тўлдирувчилар ва орғаномодификаторлар ўртасидаги таъсирлашиш механизмини ва шароитини ўрганиш;

маҳаллий минерал хомашёлар асосида олдиндан маълум хоссали орғано-ноорғаник композицион материаллар яратиш, композицион материалларнинг физик-механик, технологик ва эксплуатацион хусусиятларини тўлдирувчилар табиати ва таркибига боғлиқлигини ўрганиш;

маҳаллий минерал хомашёлар асосида қулай ва арзон технологик ва эксплуатацион хоссаларга эга орғано-ноорғаник композицион материаллар олиш технологиясини яратиш, уларни кенг қўламда ишлатилиш бўйича илмий тадқиқот олиб борилмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг МУ-Ф3-201910142 «Минераллашган қувур, фитинг, панел ва пол қопламалари ишлаб чиқишнинг инновацион технологиясини яратиш» (2020-2022 й.й.) ва ОТ-Ф7-34 рақамли «Комплекс ҳосил қилувчи полифункционал ионитлар синтези ва улар ёрдамида баъзи d-металларни ажратишнинг назарий асослари» (2017-2020 йй.) мавзусидаги амалий ва фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** дисперс ва толали минерал тўлдирувчилар базальт ва вермикулит, полиамид-6 ҳамда юқори зичликка эга чизикли полиэтилен, модификаторлар асосида юқори даражада тўлдирилган органо-ноорганик композицион материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Базальт, вермикулит ва волластонитни тўртламчи аммоний асослари тузлари, тетраэтиламмоний стеарат, тетраэтоксисилан ҳамда малеинланган полиэтилен билан модификациялаш;

модификацияланган минерал тўлдирувчилар асосида термик барқарор ва механик мустаҳкам органо-ноорганик композит материаллар олиш;

олинган органо-ноорганик нанокompозитлар физик-механик хоссаларига модификаторлар концентрацияси ва тўлдирувчилар табиатининг таъсирини аниқлаш;

олинган органо-ноорганик композитларининг термик, физик-механик ва ўтга чидамлилиқ хусусиятларини тадқиқ этиш;

базальт толаси асосида органо-ноорганик композицион материаллар олиш ва унинг физик-механик хоссаларини тадқиқ этиш;

дисперс ва толали минерал тўлдирувчилар базальт ва вермикулит, полиамид-6 ҳамда юқори зичликка эга чизикли полиэтилен, модификаторлар асосида юқори даражада тўлдирилган органо-ноорганик композицион материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** малеинланган полиэтилен, модификацияланган базальт, вермикулит ва волластонит, полиамид-6 ва юқори зичликли полиэтилен нанокompозитлари намуналари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** модификаторлар концентрацияси ва турли хил модификацияланган тўлдирувчиларнинг органо-ноорганик нанокompозитлар шаклланишига таъсирини тадқиқ этиш, шунингдек, дисперсли ҳамда толали тўлдирувчилар асосида юқори даражада тўлдирилган органо-ноорганик материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда олинган материалларнинг тузилиши ва хоссаларини ўрганишда рентгенфазавий таҳлил, сканерловчи электрон микроскопия, инфрақизил спектроскопия, термогравиметрия ва дифференциал сканерловчи калориметрия усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** куйидагилардан иборат:

модификацияланган қатламли силикатларни полиамид-6 ва юқори зичликли чизикли полиэтилен суюқланмасида аралаштиришнинг оптимал шароитлари аниқланган;

модификацияланган турли минерал тўлдирувчиларни полиамид-6 ва полиэтилен суюқланмасида аралаштириш усули билан ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/БТ, ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/ВК, ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/ВТ, Р-Ү 342/ПЭМА/ТЭАС/ВК, Р-Ү 342/ПЭМА/ТЭАС/БТ Р-Ү 342/ПЭМА/ТЭАС/ВТ таркибли органо-ноорганик материаллар олиш технологияси ишлаб чиқилган;

композитлар таркибига ПЭМА модификатори киритилиши билан уларнинг зарбга чидамлилиги хоссалари ПА-6да 100 кЖ/м<sup>2</sup> дан 118 кЖ/м<sup>2</sup> гача ва эгилишга мустаҳкамлик хоссалари 90 МПа дан 102 МПага ортиши исботланган;

катламли силикатли наноқўшимчалар ва ПЭМА ни Р-У 342 ва ПА-6 ларга қўшиш орқали олинган композицион материалларнинг -30 °С ҳарорат таъсирига чидамлилиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

катламли силикатларнинг экфолиацияси натижасида полиамид-6 ва юқори зичликли чизиқли полиэтилен асосидаги орғано-ноорғаник нанокомпозитларни олишнинг оптимал шароитлари аниқланган;

катламли силикатларнинг экфолиация даражасининг орғано-ноорғаник нанокомпозитларнинг физик-механик ва термик хоссаларига боғлиқлиги аниқланган;

орғано-ноорғаник нанокомпозитлар асосида юқори босимли ва теплоизоляцияцион полиэтилен қувурлари ҳамда автомобил бамперлари олишда ишлатиладиган полимер композит материаллар ишлаб чиқилган;

юқори даражада тўлдирувчилар тутган орғано-ноорғаник нанокомпозитларнинг ёнишга барқарорлик хоссалари аниқланган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** термомеханик, физикавий ва физик-кимёвий (термогравиметрик, электрон микроскопик, рентген фазали, ИҚ-спектроскопик) замонавий тадқиқот усуллариининг барчаси билан исботланган ва илмий тадқиқот натижаларининг тажриба-саноат синовидан ўтганлиги, амалиётга жорий этилганлиги уларнинг далолатномалари билан тасдиқланган;

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олдиндан маълум хусусиятларга эга бўлган орғано-ноорғаник композицион материаллар ишлаб чиқаришнинг илмий асослари яратилганлиги, шунингдек, олинган тадқиқот натижаларининг умумлаштирилиши натижасида комплекс хоссалари яхшилانган орғано-ноорғаник композицион материаллар олиш усуллари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти минерал тўлдирувчилар билан юқори даражада тўлдирилган орғано-ноорғаник нанокомпозитлар асосида «олиш-қайта ишлаш-буюм» схемаси бўйича саноат кўламида турли мақсадларга мўлжалланган қувурлар ва автомобил бамперлари ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маҳаллий минерал хомашёлар асосида юқори даражада тўлдирилган орғано-ноорғаник композит материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

базальт ва вермикулит билан юқори даражада тўлдирилган орғано-ноорғаник композит материаллар асосида олинган теплоизоляцияланган ва юқори босимга чидамли қувурлар «Олмалиқ КМК» АЖда амалиётга жорий қилинган («Олмалиқ КМК» АЖ нинг 2020 йил 30 октябрдаги АА-008408-сонли

маълумотномаси). Натижада юқори ҳароратда ва босимда ишлайдиган металл қувурлари ўрнида органо-ноорганик композицион материаллар асосида олинган пластмасса қувурларидан фойдаланиш имконини берган.

органо-ноорганик композит материаллар олиш жарёнида синтез қилинган модификатор тетраэтиламмоний стеаратдан ОТ-Ф7-34 рақамли «Комплекс ҳосил қилувчи полифункционал ионитлар синтези ва улар ёрдамида баъзи d-металларни ажратишнинг назарий асослари» (2017-2020 йй.) мавзусидаги лойиҳада экстрагент сифатида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 2 ноябрдаги 89-03-4335-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий хомашёлар асосида самарали ионитлар олиш имконини берган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, шу жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида натижаларнинг долзарблиги ва талабга мос эканлиги асосланган, шунингдек, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ келувчи мақсад ва вазифалари шакллантирилган; тадқиқотнинг объектлари ва предмети келтирилган; илмий тадқиқот натижаларининг ишончилиги асосланган; олинган тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган; нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Минерал тўлдирувчилар асосида органо-ноорганик композицион материаллар олишнинг замонавий усуллар**» бобида қатламли силикатлар билан тўлдирилган полимерлар асосида нанокомпозитлар олишнинг замонавий усулларига доир адабиётларнинг таҳлили келтирилган. Адабиётлардаги маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, модификацияланган тўлдирувчиларни полимерларга қўшиш натижасида уларнинг физик-механик ва иссиқликка чидамлилик хоссаларини яхшиланиши кузатилади ва иқтисодий самарадорликка эришилади. Бу эса ушбу ишда тадқиқотларнинг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлади.

Диссертациянинг иккинчи «**Минерал тўлдирувчилар асосида органо-**

**ноорганик композицион материаллар олиш усуллари ва хусусиятлари”** бобида тадқиқот усуллари, қўлланилган материалларнинг асосий характеристикалари, модификаторлар ҳақида маълумотлар, тўлдирувчиларни модификациялаш ва полимерларни функционаллаштириш усуллари, шунингдек, олинган композитларнинг структураси ва хоссаларини тадқиқ этиш услублари киради.

Шунингдек, учинчи **“Минерал тўлдирувчилар асосида олинган органо-ноорганик композицион материаллар хоссаларининг тадқиқоти натижалари”** бобида модификацияланган тўлдирувчилар асосида олинган органо-ноорганик композицион материалларнинг тузилиши ва хоссалари тадқиқ этилган.

#### 1-жадвал

**Суюқланманинг оқувчанлик кўрсаткичининг (СОК) полиамид ПА-6 (220<sup>0</sup>С ; 2,16 кг) ва юқори зичликли полиэтилен Р-У 342 (190<sup>0</sup>С ; 2,16 кг) асосидаги композицион материалларнинг таркибидаги тўлдирувчилар миқдorigа боғлиқлиги.**

Композиция таркиби	Заррачалар ўлчами,мкм	Композиция таркибидаги тўлдирувчилар ва полимер миқдори (мас.%)			
		100	80/20	70/30	60/40
ПА-6		1,5	-	-	-
ПА-6/ВК	1		1,5	1,6	1,8
	3		2,0	2,0	2,5
	5		2,5	2,5	3,0
ПА-6/БТ	1		1,6	1,6	1,8
	3		2,3	2,3	3,0
	5		2,6	2,6	3,2
ПА-6/ВТ	1		1,5	1,6	2,0
	3		2,0	2,0	2,4
	5		2,6	2,6	3,0
Р-У 342		0,32	-	-	-
Р-У 342/ВК	1		-	0,33	0,4
	3			0,5	0,7
	5			0,55	0,8
Р-У 342/БТ	1		-	0,4	0,5
	3			0,5	0,7
	5			0,6	0,75
Р-У 342/ВТ	1		-	0,33	0,4
	3			0,5	0,6
	5			0,6	0,7

Суюқланманинг оқувчанлик кўрсаткичи композицион материалларни қайта ишлаш, хусусан суюқланма ҳароратини ва босим остида шакл бериш шароитларини аниқлашда ёрдам беради. Уларни ўрганиш тегишли усул ва ишлов бериш режимини танлашда ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, суюқланманинг оқувчанлик кўрсаткичи тўлдирувчи миқдори 30масс. % ва ўлчами 1 мкмга етганда кам ўзгарди, 40 масс. % етганда эса сезиларли ўзгарди(1-жадвал).

Бундан келиб чиқадики, компаундларнинг СОК тўлдирувчи турига боғлиқ эмас, 30 мас. % тўлдирувчи тутган ПА-6 ва Р-Ү 342нинг СОК дастлабки полимерга нисбатан бир оз ошди. Бу эса ПА-6 ва Р-Ү 342 учун тўлдирувчининг мақбул концентрациясини 30 мас. % ва ўлчамини 1 мкм деб олиш мумкинлигини кўрсатади.

## 2-жадвал

### ПА-6 ва юқори зичликли полиэтилен Р-Ү 342 , асосида олинган композитларнинг оқувчанлик кўрсаткичига модификатор (ТЭАС) нинг таъсири

Композиция таркиби	Композиция таркибидаги тўлдирувчи миқдори нисбатан олинган модификатор ТЭАС миқдори (мас.%)				
	0	0,5	1,0	1,5	2,0
ПА-6/ВК	1,6	1,3	1,0	1,0	1,0
ПА-6/ПЭМА/ВК	0,8	0,6	0,5	0,5	0,5
ПА-6/БТ	1,6	1,5	1,2	1,2	1,2
ПА-6/ПЭМА/БТ	1,0	0,8	0,5	0,5	0,5
ПА-6/ВТ	1,6	1,2	1,0	1,0	1,1
ПА-6/ПЭМА/ВТ	1,0	0,6	0,5	0,5	1,2
Р-Ү 342/ВК	0,4	0,35	0,3	0,3	0,3
Р-Ү 342/ПЭМА/ВК	0,35	0,3	0,2	0,2	0,2
Р-Ү 342/БТ	0,5	0,4	0,3	0,3	0,3
Р-Ү 342/ПЭМА/БТ	0,4	0,3	0,2	0,2	0,2
Р-Ү 342/ВТ	0,4	0,35	0,3	0,3	0,3
Р-Ү 342/ПЭМА/ВТ	0,35	0,3	0,2	0,2	0,2

2-жадвалдан кўринадикки, ПА-6 ва Р-Ү 342 асосидаги композицияларга малеинланган полиэтилен ва модификатор тетраэтиламмоний стеарат(ТЭАС) 0,5дан 2,0 мас. %. концентрациягача кўшилганда унинг СОК ўзгариши келтирилган. Олинган натижалардан кўришиб турибдики, композиция таркибига ПЭМА ва 1,0 мас.% тетраэтиламмоний стеарат (ТЭАС) киритилганда композициянинг СОК юқори даражага етади.

3-жадвалда минерал тўлдирувчилар асосида олинган композицион материалларнинг физик -механик хоссаларнинг қиёсий таҳлили келтирилган. Наноккомпозитларнинг хоссалари нафақат тўлдирувчилар концентрациясига, балки тўлдирувчиларнинг полимер асосда тарқалиш даражасига ҳам боғлиқ.

Полимер композит таркибига вермикулит киритилганда зарбга чидамлик дастлабки полиэтиленга нисбатан 50дан 60 кЖ/м<sup>2</sup>га , эгилишга чидамлик 24 дан 38 МПа га, узилишга чидамлик 21дан 48МПа га ортганлигини кузатиш мумкин.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, вермикулит, базальт ва воллостанит билан тўлдирилган полимерларда модификаторлар миқдори 1,0% массани ташкил этганда Р-Ү 342нинг хоссалари яхшиланганлиги аниқланди. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, полимер асосларда тўлдирувчиларнинг дисперсион тарқалиши уларнинг хоссаларини яхшилашда муҳим роль ўйнайди.


**Минерал тўлдирувчилар ва Р-У 342 асосида олинган композицион материалларнинг физик-кимёвий хоссаларининг қиёсий таҳлили**

Композициялар таркиби	Зарбга чидамлилик, кДж/м <sup>2</sup>	σ эгилишга чидамлилик, мПа	σ узилишга чидамлилик, мПа	Нисбий чўзилиш, %	Киришиш, %
	ГОСТ 4647-80	ГОСТ 4648-80	ГОСТ 14236-81	ГОСТ 14236-81	ГОСТ 18599-21
Р-У 342	50	24	21	750	3
Р-У 342/ВК	46	35	33	174	2,7
Р-У 342/ТЭАС/ВК	60	36	36	170	2,8
Р-У 342/ПЭМА/ТЭАС/ВК	68	38	48	155	2,2
Р-У 342/БТ	47	37	38	178	2,6
Р-У 342/ТЭАС/БТ	62	38	42	164	2,8
Р-У 342/ПЭМА/ТЭАС/БТ	71	40	53	156	2,3
Р-У 342/ВТ	48	36	34	176	2,8
Р-У 342/ТЭАС/ВТ	61	37	38	163	2,0
Р-У 342/ПЭМА/ТЭАС/ВТ	69	39	48	140	2,2
Р-У 342/БЎР	13,5	33	36	172	2,6


Олинган натижалар Р-У 342 асосида композицион материаллар олишда наноўлчамли заррачалар уларнинг физик-механик хоссаларини оширишда эффектив таъсир кўрсатиши аниқланди. Полимер асосларнинг қаттиқлигини оширишда қатламли тўлдирувчилардан фойдаланиш шуни кўрсатадики, катта концентрациядаги тўлдирувчилар турли фазалардаги қатламлар чегарасида адсорбцион ўзаро таъсир натижасида нанозаррачаларнинг нисбий сирт юзасига боғлиқ равишда таъсир кўрсатади.

Композитларнинг физик-механик хоссаларининг яхшиланишида модификаторлар муҳим роль ўйнайди. Бу уларнинг полимер асоси билан ўзаро таъсири натижасида юзага келиши мумкин.


1-расмда композицион материалларнинг сканерловчи микроскопда олинган тасвири келтирилган.




1a




б




1в




2a




2б




2в



3a



3б



3в

**1-расм. Полимер Композицион материалларнинг СЭМда олинган тасвири**  
**1)ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/ВК 2)ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/БТ 3) ПА-6/ПЭМА /ТЭАС/БВ**  
**асосидаги композицион материалларнинг турли масштабда (а-100мкм, б-10 мкм, в-2**  
**мкм) олинган СЭМ тасвири**

1-расмдан кўриш мумкинки, барча композитлар таркибида тўлдирувчилар полимер матричасида бир хил ўлчамда текис тарқалган. Суратдаги тасвирлар 2мкмдан 100 мкм гача масштабда олинган бўлиб, композитлар наноўлчамда эканлигидан далолат беради.


Полимерлар ва тўлдирувчилар орасидаги ўзаро таъсирни, ҳамда композицион материалларнинг хоссаларининг яхшиланиш сабабини аниқлаш мақсадида полимер композицион материалларнинг ИҚ-спектрлари таҳлили ўтказилди.

КМларнинг ИҚ-спектрларида–NH гуруҳларга тегишли бўлган соҳалар 2000 ва 2800  $\text{cm}^{-1}$  диапазонда кузатилади. 2850-1470  $\text{cm}^{-1}$  соҳаларда –CH<sub>2</sub>-гуруҳга тегишли бўлган ютилиш частоталари мавжуд. ИҚ-спекрда=CH–гуруҳга тегишли бўлган 2987  $\text{cm}^{-1}$  соҳалар, =CH<sub>2</sub>– гуруҳга тегишли бўлган 2892  $\text{cm}^{-1}$  соҳада ютилиш частоталари кузатилади.

880-870  $\text{cm}^{-1}$  соҳаларда –O-O- гуруҳлар , 1000–1100  $\text{cm}^{-1}$  соҳаларда Si-O-гуруҳлар мавжудлиги кузатилади.

гидроксил гуруҳларнинг валент тебраниш частоталарига 3595  $\text{cm}^{-1}$  соҳалар тегишли эканлиги қайд этилган.

Шунга кўра, минерал тўлдирувчилар асосида олинган нанокompозитларнинг баъзи хоссаларининг яхшиланишига сабаб, тўлдирувчилар юзасидаги кутбли кислород тутган қисмлари полимер асос билан адсорбцион таъсирлашишда иштирок этиши натижасида юзага келади.



**2 расм . Р-Ү 342 /ПЭМА/ТЭАС/БТ композициянинг ИҚ-спектр натижалари.**

Бундан ташқари баъзи муаллифлар нанозаррачалар ва полимерлар ўртасидаги адсорбцион таъсир натижасида ҳосил бўлган нанокомпозитларнинг қаттиқлиги ва мустаҳкамлигининг дастлабки полимерларга нисбатан ошганлигини эътироф этишган. Минерал тўлдирувчилар полимерларнинг кристалланишида иштирок этиб, бу уларнинг мустаҳкамлик хоссаларининг яхшиланишида кузатилади

**4-жадвал**

**ПА-6 асосидаги полимер композицияларининг ДСК маълумотлари**


Композиция таркиби	T бош.суюк, °C	Tпик. суюк, °C	Энтальпия, ΔH, Дж/г	Кристал-ланиш даражаси α, %
ПА-6	220	224	188	55
ПА-6/ВК	236	241	197	61
ПА-6//ТЭАС/ВК	237	243	203	59
ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/ВК	239	245	210	58
ПА-6/БТ	238	242	207	61
ПА-6/ТЭАС/БТ	240	244	204	59
ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/БТ	242	246	209	57
ПА-6/ВТ	236	239	206	62
ПА-6/ТЭАС/ВТ	239	243	202	61
ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/ВТ	241	245	207	59

Дифференциал сканерловчи калориметрия (ДСК) усулида полимер композицион материалларнинг суюқланиш ҳарорати ва кристалланиш даражаси аниқланди. Олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган.

ДСК маълумотлари шуни тасдиқлайдики, юқори даражада тўлдирилган композицияларда теплофизик хоссаларнинг ошганлигини кўриш мумкин. Полимер композицион материалларнинг эриш ҳароратининг ошиши улардан турли мақсадлар учун , хусусан юқори босимли иссиқ сув қувурлари ва электр симлари учун иссиқбардош қопламалар ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкониятини беради.

Заррачаларнинг ўлчами ва шаклини экспериментал тадқиқ қилишда рентген фазофий анализ усуллари ( Дебай-Шеррер усули) ёрдамида аниқ натижаларга эришиш мумкин

File Name : Standard\Panji-1  
 Sample Name :  
 Date & Time : 01-11-18 12:28:54 Comment :  
 Condition  
 X-ray Tube : Cu(1.54060 Å) Voltage : 30.0 kV Current : 30.0 mA  
 Scan Range : 4.0000 <-> 80.0000 deg Step Size : 0.0200 deg  
 Count Time : 0.30 sec Slit DS : 1.00 deg SS : 1.00 deg RS : 0.30 mm



**3-расм. ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/ВК композициянинг дифрактограммалари**

Ўрганилган композицияларнинг РФА усулида дифрактограммалари олинган. (3-расм.)

**5-жадвал**

**ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/ВК таркибли композитнинг дифрактограмма натижалари**

T/P	2theta- сканерлаш бурчаги	d-Қатламлараро масофа	I- Интенсивлик	FWHM- рефлексларнинг интеграл кенглиги
1	8.2000	10.77381	373	0.4778
2	8.6800	10.17907	380	0.5700
3	20.9670	4.23353	475	0.5584
4	23.2833	3.81734	65	0.5400
5	26.2444	3.39296	436	0.8992

Композицион материалларнинг дифракцион спектрларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида , тўлдирувчи турларидан келиб чиқиб шу нарса маълум бўлдики, модификацияланган тўлдирувчиларнинг қатламлараро масофаси қанчалик катта ва малеинланган полимернинг концентрацияси қанчалик юқори бўлса, композиция таркибига киритилган қатламли алюмосиликатнинг эксфолиация даражаси шунча юқори бўлади.

Бундан келиб чиқадики, қатламли алюмосиликатнинг эксфолиация даражаси компонентларни аралаштириш давомийлигига ва суюқланманинг қовушқоқлигига ҳам боғлиқ.

Олинган полимер композицион материаллардан қатламли алюмосиликат улуши интеркалирланган ёки эксфолирланган даражада бўлган нанокомпозитлар турига қуйидаги композитлар киради: ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/БТ, ПА-6 /ПЭМА/ТЭАС/ВК ва ПА-6 /ПЭМА/ТЭАС/ВТ

Заррачаларнинг ўлчами ва шаклини экспериментал тадқиқ қилишда рентген фазофий анализ усуллари ( Дебай-Шеррер усули) ёрдамида аниқ натижаларга эришиш мумкин

Когерент тарқалиш минтақаларининг ўлчамлари (КТМ) (нанокристаллар ўлчами) Дебай-Шеррер формуласи орқали аниқланади:

$$D_p = K \lambda / (B \cos \theta)$$

$D_p$  – Кристалларнинг ўртача ўлчами (nm)

$K$  – Шеррер константаси .  $K$  0,68 дан 2,08гача ўзгаради.  $K = 0,94$  кубик симметрияли сферик кристаллар учун

$\lambda$  – Рентген нурлари тўлқин узунлиги.  $\text{Cu K}\alpha = 1.54178 \text{ \AA}$

$B$  - FWHM (Full Width at Half Maximum) дифрактометрдаги рефлексларнинг интеграл узунлиги

$\cos\theta$  – рентген нурлари дифракциясининг косинус бурчаги

**6-жадвал**

**Дебай-Шеррер усули бўйича ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/ВК таркибли композитнинг заррачалар ўлчамини ҳисоблаш натижалари**

2theta- сканерлаш бурчаги	FWHM- рефлексларнинг интеграл кенглиги	$D_p$ (nm) Кристаллитларнинг ўртача ўлчами	$D_p$ (nm) ўртача
1	8.2	0.478	15.61
2	8.68	0.57	
3	20.967	0.5584	
4	23.2833	0.54	
5	26.24	0.56	

Рентгенфазавий анализ натижаларига кўра, барча таркибли композицион материалларда заррачалар ўлчами наноўлчамда эканлиги аниқланди.(6-жадвал.)

**7-жадвал**

**ПА-6 асосида олинган композитларнинг термогравиметрик анализ натижалари.**

Композиция таркиби	$T_{\text{парчаланниш}}$ ҳарорати, °C	$T_{50\%}$ -масса йўқотилиш, °C	Максимал парчаланниш тезлиги, мг/°C
ПА-6	435	475	0,035
ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/ВК	435	480	0,035
ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/БТ	440	485	0,035
ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/ВТ	460	485	0,04

7-жадвалда полиамид асосидаги композицион материалларнинг ТГА усули бўйича анализ натижалари келтирилган. Жадвалдан кўришиб турибдики, ПА-6 435<sup>0</sup>Сда парчаланиб бошлайди, термодеструкциянинг максимал тезлиги 475<sup>0</sup>С ҳароратда кузатилади. ПА-6-нинг деструкция тезлиги 0,035 мг/°C ни ташкил этади.

ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/ВК таркибли композит 435<sup>0</sup>Сгача ўзгармайди. 435<sup>0</sup>С дан юқори ҳароратда парчаланиб бошлайди. Намуна 480<sup>0</sup>Сда 0,035 мг/°C тезлик билан парчаланиб, умумий масса йўқотилиши 50%ни ташкил этади.

ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/БТ таркибли композитда 485<sup>0</sup>Сда 0,035 мг/°C деструкция тезлиги билан 50% масса йўқотилиши кузатилади.

Композиция таркибига воллостанит киритилиш билан термик турфунлик кузатилмайди. ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/ВТ таркибли композицияда

460 °Cда деструкция бошланиб, 50% масса йўқотилиши 0,04 мг/°C тезлик билан 485°Cда кузатилади

Олинган композицион материалларнинг кислород индекси ёндириш усули билан аниқланди.

Композицион материалларнинг ёнувчанлик хоссаси кислород индекси усули ёрдамида аниқланди. Полимерлар Р-У 342 ва ПА-6 таркибига тўлдирувчилар киритилиши билан кислород индекси тегишлича 19 дан 26 ва 25 % ошди (8-жадвал).

#### 8-жадвал

### Минерал тўлдирувчилар асосида олинган композицион материалларнинг ҳароратга ва ёнишга чидамлилигига тўлдирувчиларнинг таъсири

Композиция таркиби	Ёниш вақти, с	Ҳавода ёниш вақти-да масса йўқотилиши, %	Кис-лород индекси, % ҳаж..	Деструкциянинг бошланғич ҳарорати, °C	700 ° C даги кокс қолдиғи %	Вика бўйича иссиқбардошлик. °C
ПА-6	240	58	19	280	18	95
ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/БТ	112	27	25	284	35	103
ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/ВК	114	28	26	285	36	105
ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/ВТ	113	28	26	283	34	107
Р-У 342	255	62	19	270	12	90
Р-У 342/ПЭМА/ТЭАС/ВК	118	31	25	274	31	95
Р-У 342/ПЭМА/ТЭАС/БТ	115	30	24	273	30	100
Р-У 342/ПЭМА/ТЭАС/ВТ	121	30	25	275	29	98

Полимерларнинг тўлдирувчилар билан тўлдирилиши натижасида уларнинг ёниш вақти дастлабки полимерга нисбатан икки марта секинлашади, шунингдек ҳавода ёниш вақтидаги масса йўқотилиши ҳам камаяди. Барча полимерлар таркибига тўлдирувчилар киритилиши билан ёнувчанлик кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгариши ҳосил бўлган композицион материалларни қийин ёнувчан эканлигини тасдиқлайди

Диссертацияда, базальт толаси билан тўлдирилган полиамид асосидаги композицион материалларнинг хоссалари ўрганилган.

Композицион материаллар олиш учун тетраэтоксисилан билан қайта ишланган диаметри 6 дан 13 мкмгача, узунлиги 140 мкм бўлган базальт толаларидан фойдаланилди. Тетраэтоксисиланни аппрет сифатида қўлланилганда полимер матричаси ва толали тўлдирувчиларнинг адгезия хусусияти ошишига эришилди.

9-жадвалда базальт толалари асосида олинган композицион материалларнинг физик-механик хоссаларининг қиёсий характеристикалари келтирилган.

Базальт толалари қўлланилганда композицияларнинг зарбга чидамлилиги дастлабки полимерга нисбатан 100дан 118 кЖ/м<sup>2</sup>га, эгилишга

чидамлилиқ 90-112 МПа га, узилишга чидамлилиқ 66 МПа дан 72 МПа га ортганлиги аниқланди.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, 40%мас. базальт толалари билан тўлдирилган композицион материалларнинг физик-механик хоссалари дастлабки полимерга нисбатан яхшиланганлигини кўриш мумкин.

#### 9-жадвал

#### Базальт толаси билан тўлдирилган ПА-6 асосидаги композицион материалларнинг физик –механик хоссаларининг қиёсий таҳлили

Композиция таркиби	Зичлиги, (23°Сда), г/см <sup>3</sup>	Зарбга чидам- лилиқ, кЖ/м <sup>2</sup>	σ Эгилиш- га чидам- лилиқ, МПа	σ узилиш га чидам- лилиқ, МПа	Нис- бий чўзи- лиш, %	Нис-бий тора- йиш, %
ПА-6	1,15	100	90	66	150	2,0
ПА-6/БВ	1,2	107	105	66	65	1,6
ПА-6/ТЭС/БВ	1,25	112	108	68	60	1,4
ПА-6/ПЭМА/ТЭС/БВ	1,25	118	112	72	55	1,2
ПА-6/Шиша тола	1,1	106	102	68	58	2,0


Базальт толаси билан тўлдирилган полиамиднинг фойдаланиш ҳарорат интервалини аниқлаш учун дифференциал сканерловчи калориметрия усулида намуналарнинг термограммалари олинди, Вик бўйича иссиқликка чидамлилиги аниқланди.

#### 10-жадвал

#### Базальт толалари билан тўлдирилган полиамид асосидаги композитларнинг дифференциал сканерловчи калориметрия натижалари

Композиция таркиби	T бош.суюқ, °С	Tпик суюқ, °С	ΔH, энтальпия, Дж/г	Вика бўйича иссиқбардошлиқ, °С
ПА-6	220	224	190	138
ПА-6/БВ	238	242	197	142
ПА-6/ТЭС/БВ	239	243	205	145
ПА- 6/ПЭМА/ТЭС/БВ	239	245	212	150

Диссертациянинг тўртинчи «**Минераллар асосида олинган композицион материалларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва уларни техник-иктисодий асослаш**» бобида полиэтилен ва дисперс тўлдирувчилар асосида ПКМлар олишнинг технологик жараёнлар параметрлари ўрганилган ва технологик схемаси ишлаб чиқилган.



1-хомашё; 2-шарли майдалагич; 3-элак; 4-аралаштиргич; 5-8-дозаторлар; 9-аралаштиргич; 10-гранулятор; 11-куйиш машинаси; 12-қабул қилиш аппарати; 13-механик ишлов бериш станог; 14-тайёр маҳсулотни назорат қилиш столи.

**4-расм. Дисперс тўлдирувчилар билан тўлдирилган полиэтилендан маҳсулот ишлаб чиқариш технологик схемаси.**

Шунингдек, диссертациянинг тўртинчи бобда, олинган композицион материалларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган. Таклиф қилинаётган полимер композицион материалларнинг ишлаб чиқариш нархи ва технологияси шиша толали полимер композицион материалларга нисбатан арзон эканлиги 11-жадвалда келтирилган.

**11-жадвал**

**Олинган ПКМларнинг ишлаб чиқариш нархи ва технологияси шиша толали ПКМларга нисбатан иқтисодий самарадорлиги**

Иқтисодий кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Иқтисодий самарадорлик
Вермикулит асосидаги 1т ПКМ таннарҳи	8822495 сум	2004750
Базальт асосидаги 1т ПКМ таннарҳи	9490745 сум	1336500
воластонит асосидаги 1т ПКМ таннарҳи	7704802,5 сум	3122442,5
Шиша толаси асосидаги 1т ПКМ таннарҳи	10827245 сум	-

## Хулосалар

1. Модификацияланган қатламли силикатларни полиамид-6 ва юқори зичликли чизиқли полиэтилен суюқланмасида аралаштириб, комплекс технологик ва эксплуатацион хоссалари яхшиланган ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/БТ, ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/ВК, ПА-6/ПЭМА/ТЭАС/ВТ, Р-Ү 342/ПЭМА/ТЭАС/ВК, Р-Ү 342/ПЭМА/ТЭАС/БТ Р-Ү 342/ПЭМА/ТЭАС/ВТ таркибли органо-ноорганик материаллар олиш технологияси таклиф этилди.

2. Нанокөмпозитларнинг физик-механик хоссаларининг модификатор ва тўлдирувчиларнинг концентрациясига экстремал боғлиқлиги аниқланди. Бунинг натижасида көмпозитлар таркибига модификатор ПЭМА киритилиши билан уларнинг зарбга чидамлилиқ хоссалари ПА-6да 100 кЖ/м<sup>2</sup>дан 118 кЖ/м<sup>2</sup> гача ва эгилишга мустаҳкамлик хоссалари 90МПА дан 102 МПАга ортиши кўрсатиб берилди.

3. Р-Ү 342 ва ПА-6 ларга қатламли силикатли нанокўшимчаларни ва ПЭМАни кўшиш орқали көмпозицион материалларнинг паст ҳарорат таъсирига чидамлилиги ПА-6 асосидаги көмпозицияларда 118 дан 108 кЖ/м<sup>2</sup>га , Р-Ү 342 асосидаги көмпозицияларда 71дан 65 кЖ/м<sup>2</sup>га ўзгариши исботланди. Бундан келиб чиқиб, паст ҳароратга чидамли полимер көмпозитларини олишда қатламли силикатларни тўлдирувчилар сифатида қўллаш тавсия этилди.

4. Полиэтилен ва полиамид таркибига 30% миқдорда базальт, вермикулитнинг киритилиши натижасида көмпозицияларнинг Вика бўйича иссиқликка чидамлилигининг ПА-6 асосида олинган көмпозитларда 95дан 105 °Сгача , Р-Ү 342 асосидаги көмпозитлар учун 90дан 100 °С га ошиши исботланди. Маҳаллий ишлаб чиқаришда иссиқликка чидамли полимер көмпозитларини олишда базальт толаларини самарали тўлдирувчилар сифатида қўллаш тавсия этилди.

5. Ишлаб чиқилган органо-ноорганик көмпозицион материаллар асосида олинган пластмасса қувурлар «Олмалиқ КМК» АЖ корхонасида юқори ҳароратда ва босимда ишлайдиган металл қувурлари ўрнида фойдаланишга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ДУСАНОВ РАВШАН ХАЛИЛОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ВЫСОКОНАПОЛНЕННЫХ  
ОРГАНО-НЕОРГАНИЧЕСКИХ МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ МИНЕРАЛЬНОГО  
СЫРЬЯ БАЗАЛЬТА И ВЕРМИКУЛИТА**

**02.00.13–Технология неорганических веществ и материалы на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Термез–2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.4.PhD/T1279.**

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета [www.terdu.uz](http://www.terdu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz).

**Научный руководитель:** **Тураев Хайит Худайназарович**  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Қурамбаев Шерзод Раимбергенович**  
доктор технических наук

**Алимов Умарбек Қодирбергенович**  
доктор технических наук

**Ведущая организация:** **Бухарский государственный университет**

Защита диссертации состоится \_\_ 2020 г. в \_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.20.03 при Каракалпакском государственном университете по адресу: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдиров, 1. Тел.: (+99861) 223-60-47, факс: (+99861) 223-60-78, e-mail: [karsuinfo@edu.uz](mailto:karsuinfo@edu.uz)

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета за № \_\_, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (190111, Сурхандарьинская область, г. Термез, ул. Баркамол авлод, 43. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: [termizdu@umail.uz](mailto:termizdu@umail.uz)).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г.).

**А.М.Реймов**  
Председатель научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.х.н., проф.

**Р.К.Қурбаниязов**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.т.н., доц.

**Ш. Н. Туремуратов**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.х.н., проф.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В настоящее время в мире уделяется большое внимание промышленному производству органо-неорганических композиционных материалов благодаря их уникальным свойствам: физико-механическим, термическим, стойкости к низким температурам и ультрафиолетовому излучению. В последнее время широкое распространение получил новый класс органо-неорганических композиционных материалов, в которых размеры отдельных компонентов находятся на наноуровне. Нанодисперсные наполнители имеют важное значение при получении органо-неорганических композиционных материалов на основе слоистых силикатов, включая базальт и вермикулит.

В мировом масштабе необходимо обосновать следующие проблемы научных решений по производству новых органо-неорганических композиционных материалов на основе минеральных наполнителей: разработка различных методов модификации для получения органо-неорганических композиционных материалов на основе слоистых силикатов; выбор модификаторов при модификации полимеров с дисперсными и волокнистыми частицами; улучшения физико-механических свойств полученных органо-неорганических композиционных материалов посредством использования промоторами адгезии поверхности минеральных дисперсных частиц с поверхности полимеров; создать органо-неорганические композиционные материалы, обладающие усиленными эксплуатационными характеристиками и повышенной стойкостью к горению.

В Республике достигнуты научно-практические результаты модернизации химической промышленности, перевод на местные сырьевые базы производственных предприятий и разработки технологий получения импортозамещающих новых полимерных композитных материалов. В третьем направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан важные задачи направлены на «дальнейшую модернизацию и диверсификацию промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»<sup>1</sup>.

В связи с этим, создание органо-неорганических композиционных материалов на основе минеральных наполнителей базальта и вермикулита с целью усиления их термических, механических и огнестойких характеристик имеют важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О Стратегии дальнейшего

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан УП №4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

